

ИЧКИ ИШЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ: ҚОНУН НОРМАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ТАҲЛИЛИ

Мехмонали Суванкулов*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21261922>

Аннотация. Мазкур мақолада ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солишчи қонунчилик нормалари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва ҳуқуқий асослари ички ишлар органлари фаолияти кесимида таснифланган. Амалдаги қонунчиликда ҳамкорлик асосан ахборот алмашинувига таянаётгани, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар эса етарлича ривожланмаганлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, маҳалла еттилиги, ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамкорлик, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, жамоат хавфсизлиги, қонунчилик таҳлили.

Abstract. This article analyzes the legal regulation of cooperation between internal affairs bodies and citizens' self-governance institutions. It classifies the main directions and legal bases of cooperation within the functional activities of internal affairs bodies. The study finds that cooperation is mainly based on information exchange, while organizational and legal mechanisms remain underdeveloped.

Keywords: internal affairs bodies, mahalla, self-governance institutions, cooperation, crime prevention, public safety, legal analysis.

Аннотация. В статье анализируются правовые нормы, регулирующие сотрудничество органов внутренних дел и органов самоуправления граждан. Рассматриваются основные направления и правовые основы взаимодействия в рамках деятельности органов внутренних дел. Установлено, что сотрудничество в основном ограничивается обменом информацией, а организационно-правовые механизмы недостаточно развиты.

Ключевые слова: органы внутренних дел, махалля, органы самоуправления граждан, сотрудничество, профилактика правонарушений, общественная безопасность, правовой анализ.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу эса ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг маҳаллабай тизими жорий қилиниб, “хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор.

жиноятларни маҳаллалар кесимида таҳлил қилиш, аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлигини кучайтириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш амалиёти кенгаймоқда.

Айни вақтда амалдаги қонунчиликда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгиланган бўлса-да, уларни амалга оширишнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, шакл ва усуллари етарлича мустаҳкамланмаган. Бу эса маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлаш ва жиноятчиликни самарали жилавлашда мазкур ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу боис мазкур тадқиқотда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини тартибга солувчи қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш масалалари илмий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини ички ишлар органларининг асосий функционал фаолият йўналишлари кесимида илмий-назарий жиҳатдан таснифлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамкорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми, ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишлари ҳамда ушбу вазифаларни амалга оширувчи соҳавий хизматлар тизимидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: а) ҳамкорлик субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунлар; б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи қонунлар; в) жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга оид қонунлар; г) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасидаги қонунлар; д) жиноятчиликка қарши курашишга доир қонунлар; е) жиноий жазоларни ижро этишни таъминлаш билан боғлиқ ҳамкорликни тартибга солувчи қонунлар.

Мазкур тадқиқот доирасида ҳамкорлик субъектлари фаолиятини бевосита ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, хусусан «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун нормалари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Бунда асосий эътибор мазкур қонунларда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, шакллари ва ваколатларини белгилайдиган нормалар мазмунини тадқиқ этишга қаратилган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган қоидаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш нуқтаи назаридан, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, аввало ҳамкорлик субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Ҳамкорликнинг бошқа соҳаларига оид қонунчилик нормалари эса кейинги илмий тадқиқотларда алоҳида ва батафсил кўриб чиқилади.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»¹ ги Қонуннинг¹ очиқлик ва шаффофлик принципига бағишланган нормасида ички ишлар органлари ўз фаолиятини давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик асосида очиқ ва шаффоф тарзда амалга ошириши белгиланган (9-модда).

Мазкур қонунда ички ишлар органларининг бошқа субъектлар билан ҳамкорлигига оид алоҳида ҳуқуқий норма назарда тутилган бўлиб, унда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари мустаҳкамланган. Хусусан, бир томондан, ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиши, шунингдек жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид материаллар ҳамда бошқа ахборотларни, жумладан электрон шаклда ахборот алмашинувини амалга ошириши назарда тутилган.

Иккинчи томондан эса, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш, жиноят ишларини тергов қилиш, жиноятчиларни қидириш, бедарак йўқолган шахсларни аниқлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиш мажбурияти юклатилган (11-модда).

Мазкур ҳуқуқий нормалар таҳлили ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қонунчилик даражасида белгилаб қўйилганлигини кўрсатади. Хусусан, мазкур ҳамкорлик жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид материаллар ҳамда бошқа турдаги ахборотларни, шу жумладан электрон шаклда ахборот алмашинувини амалга оширишда намоён бўлади.

Шунингдек, ҳамкорлик фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, чек қўйиш ва фош этиш жараёнларини қамраб олади.

Бундан ташқари, жиноят ишларини тергов қилиш, жиноят содир этган шахсларни қидириш, бедарак йўқолган шахсларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш соҳаларида ҳам ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш мажбурияти назарда тутилган.

Мазкур қонун нормалари таҳлили ички ишлар органлари тизимида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини маҳалла даражасида ташкил этишга қаратилган институционал механизмлар шакллантирилганини кўрсатади. Хусусан, ички ишлар органларининг таянч пунктлари қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш вазифаларини амалга оширувчи асосий қуйи бўғин сифатида ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; <https://lex.uz/docs/3027843>;

этилган бўлиб, уларнинг жамоатчилик билан бевосита ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади (15-модда).

Шунингдек, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат тузилмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни маҳалла кесимида тизимли ташкил этишга қаратилган бўлиб, улар жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шу билан бирга фуқароларнинг хавфсизлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи институционал майдон вазифасини бажаради (15¹-модда).

Бундан ташқари, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг ички ишлар органлари ҳуқуқларига бағишланган нормаларида фуқароларни уларнинг розилиги асосида ҳамкорликка жалб этиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этган, шунингдек алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларни рағбатлантириш ва тақдирлаш тартиби назарда тутилган (17-модда). Ушбу қоида ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни институционал жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умумий таҳлил шуни кўрсатадики, мазкур қонунда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик асосан ахборот алмашинуви ва айрим ташкилий кўмаклашув шакллари орқали ифодаланган. Шу билан бирга, ҳамкорликнинг амалий жиҳатдан самарадорлигини таъминловчи аниқ ташкилий-ҳуқуқий шакллар, усуллар ва механизмлар етарлича тизимлаштирилмаганлиги ҳамда норматив жиҳатдан тўлиқ очиб берилмаганлиги кузатилади.

Ҳамкорликнинг иккинчи субъекти сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ички ишлар органларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини амалга оширишда муҳим кўмакчи институт ҳисобланиб, улар фуқаролик жамиятининг энг кенг қамровли ва кўп қиррали тузилмаларидан бири сифатида намоён бўлади. Уларнинг фаолияти «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун² билан тартибга солиниб, фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда фуқаролар йиғини раиси орқали ички ишлар органлари билан ҳамкорлик муносабатлари амалга оширилади.

Мазкур қонун нормаларига мувофиқ, ўзаро ҳамкорлик қўйидаги асосий йўналишларда намоён бўлади: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторлар ҳисоботларини муҳокама қилиш ва эшитиш; ҳудуддаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ҳамда профилактика ишларида иштирок этиш; фуқаролар йиғини кенгаши таркибида ички ишлар органлари ва бошқа тегишли субъектлар билан биргаликда фаолият юритиш; оммавий-ижтимоий, маданий, спорт ва экологик тадбирларда жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш; ижтимоий реабилитация ва жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини амалга оширишда иштирок этиш; шунингдек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига амалий ёрдам кўрсатиш.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда; <https://lex.uz/mact/2156899>;

Бундан ташқари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий хавф гуруҳидаги шахслар билан ишлаш, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда тегишли органларни хабардор қилиш каби йўналишларда ҳам фаол иштирок этади. Шу билан бирга, улар маҳалладаги ижтимоий назоратни кучайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларида ички ишлар органлари билан узвий ҳамкорликни амалга оширади.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган илмий-ҳуқуқий таҳлил натижасида ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг норматив асослари муайян даражада шаклланган бўлса-да, уларнинг мазмунини асосан умумий қоидалар ва ахборот алмашинуви йўналишида чекланганлиги аниқланди. Амалдаги қонунчиликда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, жумладан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳалари белгиланган бўлса-да, ушбу ҳамкорликни амалга оширишнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарлича тизимлаштирилмаган.

Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги роли амалда кенг қамровли бўлишига қарамадан, қонунчиликда уларнинг ички ишлар органлари билан ҳамкорликдаги ваколатлари кўп ҳолларда декларатив хусусият касб этади. Бу эса маҳалла даражасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва “хавфсиз маҳалла” тизимининг самарадорлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий асосланган таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, ички ишлар органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ шакллари ва механизмларини белгилайдиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки концептуал моделни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

иккинчидан, ҳамкорликнинг фақат ахборот алмашинуви эмас, балки профилактика, мониторинг, тезкор чоралар ва жамоатчилик назорати каби амалий йўналишларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур.

учинчидан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва таянч пунктлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш орқали уларнинг ваколат ва масъулиятини аниқ белгилаш лозим.

тўртинчидан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокини рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни кенгайтириш, жумладан молиявий ва ижтимоий рағбатлантириш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

бешинчидан, ички ишлар органлари ва маҳалла еттилиги ўртасидаги ҳамкорликни рақамлаштириш, ягона электрон ахборот алмашинув платформасини жорий этиш орқали тезкорлик ва шаффофликни ошириш зарур.

олтинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида “маҳалла–оила–мактаб–ички ишлар органи” интеграцион тизимини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини такомиллаштириш нафақат ҳуқуқий ислохотларни, балки институционал ва амалий механизмларни янада ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида жамиятда барқарор жамоат хавфсизлиги муҳитини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

